2024-yil 28-noyabr
payshanba

№146
(5054)

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

МАРКАЗИЙ ОСИЁ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ БОСҚИЧ



Шу йил 27 ноябрь куни Душанбе шаҳрида Марказий Осиё давлатлари касаба уюшмалари Кенгашининг VI йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ишчи-ходимларни ҳимоя қилиш ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

Учрашув кун тартибидаги асосий масала ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва минтақанинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида Кенгашни Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Халқаро Конфедерациясига айлантириш ташаббуси бўлди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов Кенгаш ўзининг уч йиллик фаолияти давомида тажриба алмашиш ва муаммоларга ҳамкорликда ечим топиш учун муҳим майдонга айланганини алоҳида таъкидлар экан, уни Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Халқаро Конфедерациясига айлантириш ташаббуси Осиё давлатлари касаба уюшмалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш зарурати билан боғлиқ эканига эътибор қаратди.

– Бу қадам иқтисодий, технологик ва маданий ҳамкорлик учун янги имкониятлар эшигини очади, – деди Қудратилла Рафиқов. – Янги Конфедерация бирлашманинг халқаро даражадаги мақомини оширади, ҳамкорлик кўламини кенгайтиради, кўпроқ ресурс ва технологияларни жалб қилади ҳамда меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун янги алоқаларни ривожлантиради.

Янги ташкилотнинг таъсис йиғилишини 2025 йил бошида Тошкентда ўтказиш таклиф этилди. Ўзбекистон томони дастлабки босқичларда ташкилий ва молиявий мажбуриятларни ўз зиммасига олишга тайёр эканини билдирди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиевнинг маърузасида меҳнат миграцияси мавзуси асосий ўрин эгаллади. Иқтисодиёт ва экологик глобал ўзгаришлар шароитида миграция стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ўзбекистон минтақага ишчи кучи етказиб берувчи энг йирик давлатлардан бири бўлиб, чет элларда 1,8 миллион нафар фуқароси меҳнат қилади. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Германия, Россия, Корея ва бошқа давлатлар билан ҳукуматлараро келишувлар асосида ташкиллаштирилган ишга жойлаштириш, касб-ҳунар ва тил ўргатиш орқали кадрлар тайёрлаш ҳамда мигрантларнинг қайта интеграцияси учун субсидиялар ажратиш шулар жумласидандир.

Б. Маҳмадалиев мигрантлар оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг хориждаги ҳуқуқий мақомини тартибга солиш зарурлигини таъкидлади. Россияда мигрантларни касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқлари чекланиши масаласида вазиятни ўзгартириш учун умумий саъй-ҳаракатларнинг аҳамиятига урғу берди.

Йиғилишда ижтимоий ҳимоя ва меҳнат хавфсизлиги масалалари бўйича ахборот-ҳуқуқий маълумотлар банкини яратиш ташаббуси ҳам муҳокама қилинди. Лойиҳа касаба уюшмалари фаолиятининг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган.

Шунингдек, тадбир доирасида «Энг яхши ижтимоий ҳамкор» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган энг яхши жамоавий шартномалар алоҳида эътироф этилди.

Марказий Осиё давлатлари касаба уюшмалари Кенгашининг Осиё давлатлари касаба уюшмалари Халқаро Конфедерациясига айланиши касаба уюшмалари ҳаракати тараққиётида янги даврни бошлаб беради. Янги ташкилот минтақанинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш билан бир қаторда, меҳнат шароитларини яхшилаш, ишчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли имкониятлар яратади.

Йиғилиш қатнашчилари касаба уюшмалари ҳамкорлиги минтақанинг гуллаб-яшнашига, аҳоли фаровонлигига ҳамда Осиё халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига қатъий ишонч билдирдилар.

Ўз мухбиримиз

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси:

ФЕДЕРАЦИЯ БОҒИГА ЯНА 5000 ТУПДАН ОРТИҚ КЎЧАТ ЎТҚАЗИЛДИ



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида жойлашган боғида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш ишлари олиб борилди.

Барчани бирликка чорлаган ушбу тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Федерациянинг Тошкент вилояти кенгаши вакиллари, тизимда меҳнат қилаётган фаоллар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

– Ҳозир умумий майдони 5,5 гектарни ташкил қилувчи ушбу ҳудудда 18 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар бор, – дейди «Касаба – обод макон» масъулияти чекланган жамият мутахассиси Маҳбуба Ҳакимова. – *Бугунги экиш ишлари учун яна 5 мингтадан зиёд дарахт, 4 мингдан ортиқ гул кўчатлари келтирилди.*

Шуни ҳам алоҳида айтиш керакки, келгусида бу ерда тежамкор суғориш тизимини ишга тушириш, Корея тажрибаси асосида сувсизликка чидамли, ёпиқ илдизли контейнер ва ин-витро усулида кўчат етиштириш ишларини амалга ошириш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилмоқда.

Касаба уюшмалари тизимидаги барча ташкилот ва муассасалар, сиҳатгоҳларнинг ободонлаштирилиши учун айнан мана шу богдан дарахт ва гул кўчатлари етказиб берилиши ҳам кўзда тутилган.

«Касаба – обод макон» МЧЖ орқали 20 нафардан ортиқ агроном, сувчи, оператор, технологлар ҳамда мавсумий ишчилар доимий иш билан таъминланган.

Мутахассиснинг сўзига кўра, яқин келажакда кримпсон, голден, сўх гўзали, гала каби олма навлари, каштан, сакура, ясень, каталпа, клён каби манзарали дарахтлар аҳолига манзур бўлади. Шу йилнинг ўзида бу боғда 10 тоннадан зиёд ошковоқ, 3 тонна бақлажон, 1,5 тоннадан ортиқ мош, 1,5 тоннадан кўп маккажўхори ва ловия, 500 килограммдан зиёд помидор ҳамда булғор қалампири каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган ва аҳоли дастурхонига тортиқ қилинган.

Яна рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Федерация тасарруфидаги **100 дан ортиқ** болалар соғломлаштириш оромгоҳи ва уларнинг атрофларига **7 минг 500 тупга яқин** дарахт экилди. Шунингдек, айни пайтда ҳам **30 дан ортиқ** санаторийда дам олувчилар учун муносиб шароитлар яратиш мақсадида кўкаламзорлаштириш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Хоразм вилоятида янгидан барпо этилган Хонқа санаторийсига **200 тупга яқин**, Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида янги қурилган «Яккасарой спорт мажмуаси» ҳудудига ҳам **230 дан ортиқ** мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.


Шу билан бирга, бугунги кунда фуқароларга профилактик ёрдам кўрсатиш, даволаш, соғлиғини тиклаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов тумани «Эркиндаря» ОФЙ Ақеден овулида янги 200 ўринли «Бўзатов» санаторийсида ва Оролбўйи минтақаси болаларини соғломлаштириш ва дам олдириш мақсадида Нукус шаҳри «Чимбой гузари» МФЙ ҳудудида янги 200 ўринли «Жеткиншек» болалар оромгоҳи қурилиши олиб борилмоқда. «Яшил макон» акцияси доирасида у ерларни ҳам обод қилиш ва кўкаламзорлаштириш режалаштирилган.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА,
Қувончбек ТЎРАЕВ
(фото),
«Ishonch» мухбирлари

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

1211

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.





www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
facebook.com/ishonchofficial.uz
https://t.me/ishonchuz_official

Фаолият



АЪЗОЛАР ҚАНЧАЛИК МАМНУН?

Шоҳидахон Каримова саломатлик посбонлари ҳимоячиси. Бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам зарурати туғилса, ўзи бориб, етакчиларга иш ҳужжатларини юритиш бўйича тушунтиришлар беради. Бугун ҳам у иш кунини яқиндагина аъзоликка қабул қилинган бошланғич ташкилотдан бошлади.

– Тарғибот самараси ўлароқ сафимиз янада кенгайиб бормоқда. Касаба уюшмага аъзолик афзалликларини тушунтириш орқали йил бошидан буён нодавлат сектор корхоналарида меҳнат қилаётган 7 минг 108 нафар ходимни ҳимояга олдик, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси Шоҳидахон Каримова. – Янги тузилган бошланғич ташкилотларга кўмаклашиш билан бирга, у ерда меҳнат қилаётган ходимларни ҳам қўллаб-қувватлаб келмоқдамиз. Узоққа бормайлик, куни кеча аъзоликка янги қабул қилинган нодавлат секторда меҳнат қилаётган 50 нафар ходим Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб борилди. Бундан ташқари, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида спорт мусобақалари ўтказдик.

Бир сафда бирлашган аъзоларни рози қилиш йўлида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Ўтган давр мобайнида 500 нафар ходим Шоҳимардон, Чодак дам олиш масканларида дам олдирилган бўлса, яна 400 нафардан зиёди Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларига саёҳатга борди. 240 нафар аъзонинг эса Тошкент вилоятининг сўлим ва диққатга сазовор жойларига саёҳати ташкил этилди. Буларнинг барчаси касаба уюшма маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Аввало, шифо улашувчи саломатлик посбонларининг ўзлари саломат бўлишлари лозим. Шу мақсадда 542 нафар ишчи-ходим касаба уюшмалари тасарруфидаги сиҳатгоҳларда саломатлигини мустаҳкамлади.

Кенгаш ташаббуси билан ҳудуддаги беморлар ҳолидан вақтида хабардор бўлиб туриш, патронаж ҳамшираларини учун муносиб меҳнат шароити яратиш мақсадида 30 нафар ҳамширага велосипед тақдим этилди.

Ўтган давр мобайнида 134 нафар ходимнинг бузилган ҳуқуқлари меҳнат ҳуқуқ инспектори аралашуви билан тикланди ҳамда ходимлар фойдасига 183 млн. 760 минг сўм маблағ ундириб берилди.

Кўмакка муҳтож ходимлар асло назардан четда қолмайди. Шу пайтгача 748 нафар кам таъминланган оилалар вакилларига касаба уюшма маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Янги ўқув йили бошланиши арафасида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Кўмакка муҳтож аъзоларнинг 200 нафардан зиёд фарзандлари мактаб ўқув-қуроллари билан сийланди.

Албатта, касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг барчаси аъзолар розилиги ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Адолатли танлов

НОМЗОДЛАР ТАВСИЯ ҚИЛИНДИ

Маълумки, 2017 йилдан буён ҳар бир ҳудуддан бир талабага касаба уюшмалари стипендияси ажратиб келинмоқда. Шунингдек, бир талаба касаба уюшмалари тизимидаги санаторийда ўз соғлиғини тиклаш имконига эга. Ўтган даврда хоразмлик ўнлаб фаол талаба ёшлар касаба уюшмасининг бундай кўмагидан баҳраманд бўлдилар.

Энг муҳим жиҳат шундаки, ҳар йили номзодлар шаффофлик асосида танланади. Дастлаб барча олий ўқув юртларида ҳужжатлар тўпланади. Олий ўқув юртлари энг муносиб номзодни вилоят комиссиясига тақдим этади.

Куни кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгашининг 2024 йил 30 сентябрдаги «Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган фаол ёшларга касаба уюшмалари стипендияси ҳамда касаба уюшмаси аъзоси бўлган фаол ёшлар учун санаторийларга бепул йўлланма ажратишга номзодларни тавсия этиш тўғрисида»ги ижроия қўмита қарори асосида олий ўқув юртларидан номзодлар саралаб олинди.

Ҳар бир номзод ҳужжатлари низомда белгиланган талаблар асосида таҳлил қилинди.

Ёшларга кўрсатилаётган бундай эътибор талабаларнинг илмга бўлган иштиёқини оширишга, жамият билан фаол муносабатда бўлишга, ҳаётда ўз ўрнини топишига хизмат қилмоқда.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Касаба уюшмаси аралашгач...

ҲУҚУҚЛАР ТИКЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 59-оилавий поликлиника катта ҳамшираси Гулпаршин Мамбетмуратова жорий йилнинг 11 мартида ҳамширалик иши бўйича олий тоифа сертификатига эга бўлган. Аммо унинг иш ҳақига устама қўшилмаган. Бу иш бўйича суриштирув олиб борилганида сабаб сифатида штат бирлигида оилавий поликлиника катта ҳамшираси «бош ҳамшира» деб ёзилгани, Тиббиёт муассасалари раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда соғлиқни сақлаш муассасаларини турларга ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди, 9-пункти асос қилиб келтирилган.

Ўрганишлар жараёнида камчиликлар бартараф этилиб, Г.Мамбетмуратованинг қолиб кетган устама пули октябрь ойи иш ҳақига қўшиб ҳисоб-китоб қилиниши юзасидан бир қарорга келинди. Тиббиёт бирлашмаси туғуруқхонаси акушери Ҳалима Жолимбетованинг жорий йил 7 октябрдаги мурожаатида иш ҳақига меҳнат стажи учун қўшиладиган устама ҳақлари тўғри тўлаб берилмаётганига аниқлик киритиб берилиши сўралганди. Мазкур ҳолат ҳам тегишли тартибда кўриб чиқилди ва ижобий ечим топди. Яъни ходимнинг туғуруқдан кейинги таътил ва бола парвариши давридаги 6 йиллик меҳнат стажи қўшиб ҳисобланиб, унга 15 фоиз миқдорида устама ҳақ тўлаб берилади-ган бўлди.

Б.МАУЛЕНОВ,
Шуманай тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

* * *

УСТАМА ПУЛЛАРИ АСОССИЗ УШЛАБ ҚОЛИНГАН

Шаҳрисабз шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчилари касаба уюшмасига арз билан келишди. Шикоят мазмунига кўра, маъмурият педагогларнинг 2021, 2022, 2023 йиллар учун август ойида тўланиши лозим бўлган устама пули ҳамда 2024 йилнинг синф раҳбарлик маблағидан маълум қисмини асоссиз ушлаб қолган.

Масалани мутасаддилар тегишли тартибда ўрганишди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича иш берувчига кўрсатма хати киритилди. Натижада мураббийларнинг устама ва синф раҳбарлик пулларидан ушлаб қолинган қисми ундириб берилди.

Умид ОРТИҚОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз шаҳар кенгаши раиси



Фаоллар ҳақида ҳикоялар

КАСАБА УЮШМАСИНИНГ АДОЛАТИ

– Адолатхон, хорижлик меҳмонларни кутиб олиш учун ҳаммаси тайёрми?

– Адолатхон, оромгоҳлар масаласи назоратингиздами?

– Адолатхон, эртанги тадбир режалари ҳақида ҳисобот беринг!..

Аппарат йиғилишларида Адолат исми тез-тез тилга олинади. Жонкуярлиги, меҳнаткашлиги, уддабуронлиги, ҳозиржавоб ёки билимлигиданми, хуллас, Адолат Акрамовага бериладиган топшириқлар кўлами бошқаларникига қараганда анча салмоқли. Баъзан ҳорғин, аммо қувноқ нигоҳларига қараб, сўрайман:

– Нега бунча жонсараксиз? Бир жойда тинчгина дам олсангиз бўлмайдими? Ҳатто меҳнат таътилига ҳам тузук-қуруқ чиқиб кетмайсиз. Таътилдаман, дейсизу, кунда-кунора шу ердасиз.

Опа саволимга хандон отиб кулганча, жавоб қайтаради:

– Мен шундай туғилганман. Тиниб-тинчимас, меҳнатни севадиган, касбини қадрлайдиган инсон қилиб тарбиялашган. Бунинг учун ота-онамдан ҳамиша миннатдор бўламан. Касбимдан завқ оламан ва ғурурланаман. Изланишдан, ўқиб-ўрганишдан чарчамайман. Қайси ташкилотда фаолият олиб бормай, ҳамиша меҳнатим қадрланади.

Опа билан бемалол суҳбат қуриб ўтиришнинг ҳам имкони йўқ. Ҳали у, ҳали бу масала билан кенгаш ходимлари уни тинч қўйишмайди.

– Адолат Аслановна, фалон тадбир режаларини олиб келдим. Кўриб берасизми? – дейди бўлим мудири.

Опа режаларни олиб қолади. Ҳаял ўтмай, бошқа бир ходим эшикни тақиллатади:

– Опажон, бир масалада ёрдамингизга муҳтожман...

Адолат опа иш устида унинг дардини ҳам тинглайди. Маслаҳат ва йўналишлар беради. Тушунмаганини тушунтиради.

Бу тиниб-тинчимас, меҳнаткаш аёл Ўзбекистон касаба уюшмалари Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари Адолат Акрамова. У 1975 йили Бухоро шаҳрида туғилган. 2010 йили Навоий педагогика институтини тамомлаган бўлса-да, меҳнат фаолиятини 1993 йили Бухоро давлат тиббиёт институтининг кадрлар бўлимида бошлаган.

Йиллар давомида Ўзбекистон «Камолот» жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими тиббиёт институти жамоатчилик маркази раиси ўринбосари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти кенгаши олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги ёшлар билан ишлаш бўлими мутахассиси, вилоят кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти раиси, раис ўринбосари лавозимларида фаолият юритди.

Қарийб ўн йилдан бери касаба уюшмалари вилоят кенгаши ходими. Ишончли, масъулиятли ва изланувчан кадр сифатида маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси, бўлим мудири лавозимларида ҳурмат-эътибор қозонди.

Айниқса, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш ва саёҳатларга жалб этиш, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, миллий ғоя тарғиботини олиб бориш фаолиятининг асосий мезонига айланди. У ходимларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, бой маданиятимиз ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш ишларида ҳам доимо фаол қатнашади. Шу кунга қадар вилоятдаги минглаб ходимларнинг концерт, театр, музей ва кўргазма залларига ташрифлари ташкил этилишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

– Сўнгги етти йил давомида касаба уюшмалари янгиланиб бораётганини кўряпман, – дейди Адолат опа. – Касаба уюшмалари амалга ошираётган ишлар кўлами жуда кенгайди. Бугун нафақат ишчи-ходимларни, балки аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Аёллар дафтари дейсизми, миграция масалалари дейсизми, барчасида касаба уюшмаларининг роли ортиб бормоқда. Фаолиятим мисолида айтадиган бўлсак, кам таъминланган оилаларнинг никоҳ тўйлари, болаларнинг суннат тўйларини ўтказишни ташкил этганимизда, бу савобли ишдан ниҳоятда қувонганман. Чунки ўша инсонларнинг бахтли оила бўлиб яшагани ва ишга жойлашиб, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлгани тизимимиз нечоғлик савобли ишларга бош бўлаётганининг бир исботидир. Мана шу ишларга мен ҳам оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан қувонаман.

Дарвоқе, Адолат Акрамова хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясидан Бухоро шаҳрига бириктирилган масъул ходим сифатида ҳам қатор вазифаларга дахлдор. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишда фаол, ташаббускор, янгиликка интилувчан, меҳнатсевар, камтарин, очиққўнгил, киришувчан ва тўғрисўз инсон сифатида касаба уюшмалари фаоллари орасида обрў-эътибор қозониб келмоқда. Мана шу фидойилиги ва жонкуярлиги уни кенгаш раиси ўринбосари лавозимига қадар етаклаб келди.

Кўп йиллик меҳнатлари эвазига 2012 йили «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. Ўқиб-ўрганиш, изланишдан чарчамайдиган қаҳрамонимиз айни чоғда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратураси тингловчиси сифатида изланишларини давом эттирмоқда.

Касбга садоқат – инсонни камолотга ундовчи гўзал фазилат. Мана шу инсоний фазилатлар Адолат Акрамованинг фаолиятини безаб тургани боис ҳам ҳамкасблари унинг маслаҳатлари-ю, насиҳатларини тинглашга ошиқса, ажаб эмас...

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Мусобақа

СПОРТГА ОШНО БЎЛГАН ОДАМ ЯХШИ ИШЛАЙДИ

Касаба уюшмалари ташаббуси билан ўтказиладиган тадбирлар кўп. Аммо спорт мусобақалари кўпчилик учун бирдек ёқимли ва қизиқарли бўлади. Сабаби, спортда беллашиш, кўпгина рақибларни енгиб ғалаба қозонишнинг, ҳатто енгилишнинг ҳам гашти ўзгача. Бундай мусобақалар, аввало, ишчи-ходимларни спортга ошно қилса, иккинчидан, доимий бир хил турдаги меҳнатдан чалғиб, маданий хордиқ чиқаришга олиб келади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ҳам ҳар йили анъанавий равишда олий таълим профессор-ўқитувчилари ва ишчи-ходимлари ўртасида спорт тадбирлари ўтказиб келади. 21-22 ноябрь кунлари Тошкент давлат иқтисодиёт университетига қарашли спорт мажмуасида навбатдаги шундай спорт мусобақалари ташкил этилди. Унда пойтахтимиздаги 15 та олий таълим муассасасида меҳнат қилаётган 300 га яқин ўқитувчи-педагог, тадқиқотчи стол тенниси, бадминтон, футбол, шахмат, шашка, дартс каби ўйинларда куч синашди.

– Тошкент Амалий фанлар университетида ментор лавозимида ишлаймиз, – дейди дартс спорт турида 10 нафар рақибини енгиб, биринчи ўринни олган Диёрбек Маҳкамов ва шашка ўйини қатнашчиси Нурхон Асатуллаева. – Спорт бизнинг хоббимиз, университетимизда ҳам дарсдан кейин ходимлар спорт билан шуғулланиши учун шароитлар яратилган. Бугунги яхши иштирокимиз ана шу шароит меваси бўлди, десак, адашмаймиз.



Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти Дилноза Умирова ҳам стол теннисида моҳир эканини кўрсатди. У олималик мақсадида изланиб келаётган бўлса-да, спортнинг волейбол ва стол тенниси тури билан мунтазам шуғулланар экан. Шу боис чиройли ўйини билан барча меҳмонларнинг олқишига сазовор бўлди.

Мусобақалар якунида барча спорт турлари бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни олган жамоа ва ўйинчиларга Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

Тошкент вилоятидаги Ички ишлар органлари касаба уюшма аъзолари ўртасида спорт мусобақаси ташкил этилди.



Бўстонлиқ туманида жойлашган «Wellmore» дам олиш уйида бўлиб ўтган ушбу тадбирда вилоят ички ишлар бош бошқармаси, туман ва шаҳар ички ишлар бўлимлари, Республика ИИВ Жазони ижро этиш департаментининг минтақавий маркази ва манзил колониялари бошланғич касаба уюшма раислари фаол қатнашдилар.

7 та беллашувда жамоалар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Натижаларга кўра, 1-ўринни Тошкент вилояти ИИББнинг 2-минтақа жамоаси эгаллади. 2-ўринни ИИББ соҳавий хизматлар жамоаси, 3-ўринни эса ИИББ 4-минтақа жамоаси қўлга киритди.

Айниқса, шахмат мусобақаси интеллектуал тажрибаларга бой бўлди, ҳар бир иштирокчи ўйин стратегияларини кўрсатиб, жиддий рақобат билан курашди. Унда 1-ўринни Низомиддин Карабеков, 2-ўринни Нуриддин Абдуллаев, 3-ўринни эса, Акмалжон Тошхўжаев эгаллади. Шашкада 1-ўрин Шаҳноза Содиқова, 2-ўрин Моҳира Собирова, 3-ўрин Азиза Мавляновага насиб этди.

Тадбир сўнгида ғолиблар вилоят ички ишлар ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Саодат ТЎРАЕВА,
Тошкент вилояти Ички ишлар ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

ҲА, БУГУНГИ БОЛАЛАР БЕШИКДА ЁТМАЯПТИ, АЙНИҚСА, ШАҲАРЛИКЛАР. БУНГА ҲАР ХИЛ ҚАРАШЛАР САБАБ БЎЛЯПТИ. МАСАЛАН, КИМДИР БЕШИКНИ ФОЙДАЛИ ДЕСА, БОШҚА БИРОВ ЗАРАР ДЕЯПТИ. УНГА «ЭСКИЛИК САРҚИТИ», ДЕЯ ТАЪРИФ БЕРАЁТГАНЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС. АЙРИМЛАРНИНГ НАЗДИДА БЕШИК ЎТГАН ЗАМОННИНГ МАТОҲИГА АЙЛАНГАН. УНИНГ ЎРНИНИ ОММАВИЙ РАВИШДА БИЗ «ПАМПЕРС» ДЕБ АТАЙДИГАН ТАГЛИКЛАР ЭГАЛЛАДИ. БЕШИККА ҚАРШИ КУРАШ ФОНИДА «ПАМПЕРС» БИЗНЕСИ ГУЛЛАБ-ЯШНАМОҚДА.

Бешикда ёт(ма)ган болалар



Мунозара

Бу бўйича ҳар ким ўз фикрига эга. Кимгадир бешик, кимгадир «памперс» маъқул. Ҳар кимнинг ўз танлови бор. Уларга ақл ўргатишга ҳақ-ҳуқуқимиз йўқ. Аммо ҳар нарсада меъёр бўлгани дуруст. Акс ҳолда, ҳозирча кичик кўринаётган масала келажакда катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис бешик билан «памперс»нинг фойда ва зарарларини таҳлил қилиб, қай бирининг тоши оғир келишини кўриб, хулоса қилсак, адолатдан бўлади, назаримизда.

Биринчи бешик масаласига тўхталсак.

Тўғри, бугун замон ўзгарди. Турли воситалар бешикнинг ўрнини босяпти. Лекин бу ёппасига ундан воз кечиш керак, дегани эмас. Ҳар ҳолда, ота-боболаримиз бешикда улғайиб кам бўлишмаган. Агар унинг зарари бўлганда улар ўша пайтдаёқ илғашган бўларди.

Тошкент тиббиёт академияси неврология ва тиббий психология кафедраси профессори Зарифбой ИБОДУЛЛАЕВнинг айтишича, бешикнинг бола саломатлигига ҳеч қандай зарари йўқ.

– Охирги вақтларда бола бешикда ётса бўлмайди, у эркин ўсиши керак, деган гапларни кўп эшитяпмиз, ***– дейди профессор.*** *– Врач сифатида шуни ишонч билан айтишим мумкинки, бешик бола учун жудаям муҳим ва фойдали саналади. Хусусан, у таянч аъзолар, яъни суяк, бўғим, мускуллар, оёқ, умуртқа поғонасини тўғри шаклланишига муносиб ҳисса қўшади. Ҳозир болалар орасида сколиоз, оёқ қийшиқлиги каби касалликлар кўпайиб кетди. Травматологлар буни айнан бешикда ётмаслик билан изоҳлашяпти.*

Бешикнинг устидаги ёпинчиғи мавсумга мослаб, масалан, қишда қалин духобадан, ёзда енгил тўқима матодан тайёрланади. Бу болани совуқда иссиқ, ёзда салқин ётишини таъминлаш билан бир қаторда, уни ҳар хил зарарли ҳашаротлар чақишидан сақлайди. Икки тарафдан сиқиб боғлаш гўдакнинг тинч ва бир маромда ухлашига ҳамда умуртқа поғонаси тўғри ўсишига хизмат қилади. Миядаги ўта муҳим гормонлар бола айнан тинч ётган вақтда синтез қилинади. Демак, психологик, неврологик тарафдан ҳам бешик гўдак учун муҳим аҳамият касб этади. Унда ётган боланинг таги доим қуруқ бўлади ва бу шамоллашнинг олдини олади.

Баъзи одамлар бешик чақалоқнинг миясига чайқалишига олиб келади, деб ўйлашади. Бу мутлақо нотўғри тушунча. Бешик секин ва бир маромда тебратилади ва ҳеч қандай зарари йўқ. Аксинча, фақат унинг фойдасига хизмат қилади.

Яна бир гап. Айримлар боши қийшиқ ўсганини бешикдан кўришади. Бу ундан нотўғри фойдаланиш оқибати. Масалан, бешикда ҳаддан ортиқ кўп қолиб кетиш ёки нотўғри йўргаклаш бунга сабаб бўлиши мумкин.

Мухтасар айтганда, бешик боланинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етиши учун хизмат қиладиган муҳим восита. Қандайдир туғма нуқсон билан туғилган, шифокорлар уни бешикка белашни тавсия қилмаган ҳолатлар бундан мустасно, албатта.

Мутахассиснинг фикрларидан кўриниб турибдики, бешикнинг болаларга деярли салбий таъсири йўқ.

Хўш, нега унда кўпчилик бешикни инкор этмоқда? Чунки 5-10 дақиқа вақт сарфлаб, бешикни тайёрлаб, болани белашдан кўра, унга шунчаки «памперс» тақиб қўйиш қулай бўлиб қолди. Синтетик тагликлар бугун оналарнинг ҳам, болаларнинг ҳам дастёрига айланди. Лекин бунинг ҳам ўзига яраша зарарлари бўлса, ажаб эмас.

Умуман олганда, «памперс»лар бизнинг кундалик ҳаётимизга кириб келганига унча кўп бўлмади. Демак, унинг зарарини ҳали англашимиз қийин. Бироқ синтетик таглик билан улғаяётган авлод вақти-соати етиб, оила қургач, унинг «фойдаси»ни ўз танасида ҳис қилса, ажаб эмас.

Масалан, «памперс» хорижда анча олдин пайдо бўлган. Шу сабабли уларнинг ҳозирги вазияти ҳавас қилгудек эмас. Туғилиш кам. Мутахассисларнинг таъкидлашича, уларда жинсий касалликлар, хусусан, эркаклар орасида урологик ҳолатлар кўпайган. Балки бунда «памперс»ларнинг ҳам «муносиб» ҳиссаси бордир.

– Синтетик тагликларнинг бирдан-бир мақсади – ўзидан ҳўл ўтказмаслик, – дейди ***Зарифбой Ибодуллаев.*** *– Шу боис у ҳаво ўтмайдиган қилиб тайёрланади. Нафақат болалар, балки катталар ҳам аксарият ҳолатда теридан нафас олишини ҳисобга олсак, бу катта зарар экани ойдинлашади.*

«Памперс»лар жинсий аъзоларнинг ривожланишига яхшигина салбий таъсир кўрсатишини урологлар тасдиқлашмоқда. Айни пайтда баъзи шифокор шогирдларимиз янги уйланган йигитлар аёли билан қўшилолмасликдан шикоят қилиб келишаётганини айтишмоқда. Бу, айниқса, шаҳар жойларда кенг тарқалган.

Қишлоқларда нисбатан кам. Чунки у ерларда яшовчилар асосан бешикдан фойдаланишади. Зарур ҳоллардагина «памперс» тақишади. Менимча, жинсий заифлик ва жинсий касалликларнинг бир учи айнан ҳозирги тагликларга бориб тақалса керак...

Ҳақиқатан ҳам, бугун туғилиш сони камайиб кетаётгани кўплаб хорижий давлатларни ташвишга солмоқда. Улар бу муаммони ҳал қилиш учун аҳолига турли мукофотлар таклиф қилишмоқда.

Ҳозирча бизда бу муаммо йўқ. Йил сайин аҳоли сони ортиб боряпти. Бироқ бир нарсани ёддан кўтармаслик жоиз: юқорида таъкидлаганимиздек, «памперс»ларда улғаяётган авлод ҳали катта ҳаётга тўлиқ қадам қўйгани йўқ. Балки маълум бир давр келиб, бу бизда ҳам ўз асоратларини берар. Бу вақт билан боғлиқ жараён.

Қисқаси, «памперс»дан воз кечиб, ёппасига бешикка қайтиш керак, деган фикрни илгари суришдан йироқмиз. Танлов ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Фақат бунда меъёрни унутмаслик жоиз.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Таҳририятдан: ***Аввало, айтиш жоизки, мақолада қайсидир савдо маркаси танқид қилинмаяпти, шунчаки болалар тагликлари орасида «памперс» энг машҳури бўлгани учун барчасини шу ном билан аташга ўрганиб қолганмиз. Мақолада ҳам айни шу халқона тилдан фойдаланилган.***

Азиз газетхон, балки сизда ушбу мавзу бўйича бошқача фикр бордир? Зотан, ҳақиқат баҳсларда ойдинлашади.

Таълим

Ғаллаорол туманидаги 56-умумтаълим мактабида узоқ йиллар мобайнида хоналар етишмас, ошхона ва спорт майдонлари йўқ эди...

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ САМАРАСИ

ёхуд шарт-шароит таъминланган жойда сифат ҳам ошади

– Ташаббусли бюджетда уч бор ғолиб чиқдик, – дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Акбар Йўлдошев. – Илк бор 950 миллион сўмлик кутубхона, кейингисида ошхона, сўнггисида сунъий қопламали стадион қурилди.

Яратилган бундай шароитлар ўқувчиларнинг билим даражасини, битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига киришини кескин оширди. Мактаб умумий кўрсаткичларда туман миқёсида 32-ўриндан 6-ўринга, вилоятда эса 289-ўриндан 21-ўринга кўтарилди. Бунда 11-синф ўқувчиларининг юқори балл билан олий ўқув юртларига кириши катта роль ўйнади. 11-синф ўқувчиси Севинч Сайфиддинова 189 балл тўплаб, 100 фоизли натижа билан Тошкент давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бюджет асосида талаба бўлиш шарафига эришди. Ўқув масканн жамоаси «Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб» танловида туманда 3-ўринни қўлга киритиб, 50 миллион сўмлик мукофотга сазовор бўлди.

Мактабда ишловчи 46 нафар педагогнинг 20 нафари олий ва 1-тоифали устозлардир. 4 нафар инглиз тили ўқитувчисининг 1 нафари халқаро ва 3 нафари миллий сертификат олган. Устозлардан Анвар Бердиёров ва Нурулла Махрамов С1 даражали сертификатга эга бўлиб, 50 фоизли устама олмоқда. Ўрол Мамадиёров ва Нилуфар Худойбердиева эса вазирликнинг 5 миллион сўмлик устамасига сазовор бўлган.

Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган «Зукко китобхон» танловида мактаб ўқувчиси Гўзал Акромова Жиззах вилоятида 2-ўрин соҳиби бўлди. 9-синф ўқувчиси Севара Ҳазратқулова шахмат бўйича вилоятда 1-ўринни эгаллади. 25-30 ёшли аёллар ўртасидаги теннис мусобақасида Сарвиноз Йўлдошева республикада фахрли ўринни қўлга киритди.

– Жамоамиз асосий диққат-эътиборини таълим сифати самарадорлигини оширишга қаратган, – дейди мактаб директори Бунёд Йўлдошев. – Шу мақсадда барча устозлар ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этган ҳолда дарс ва машғулотларни илғор усуллар, ахборот-коммуникация технологиялари асосида олиб бормоқда. Касбий маҳоратларини ошириш, керакли даражадаги хорижий ва маҳаллий сертификатлар олиш учун ўз билимларини синовдан ўтказишяпти.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Мулоҳаза

ТИЛ БОРКИ, МИЛЛАТ БАРҲАЁТ!

Тилга эътибор – элга эътибор. Афсус, бу ҳақда қанча гапирилмасин, унга нисбатан лоқайд кишилар камаймаяпти. Масалан, ижтимоий тармоқлардаги ёки кўчалардаги турли реклама ва эълонларда имловий хатолар кўп. Устига-устак, айрим дўконлар, супермаркетлар, устахоналар, гўзаллик салонлари, боғчалар номлари хорижий тилларда ёзилмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри марказида қад ростлаган тураржой биносига инглизча «Nest one» номи берилган.

Энг ачинарлиси, биз бундай ҳолатларга тобора кўникиб, тилимизга нисбатан анча эътиборсиз бўлиб боряпмиз. Бунинг оқибати эса яхшилик билан тугамаслиги тайин.

Зеро, БМТ вакиллари берган маълумотларга қараганда, қачонлардир дунёда одамлар сўзлашадиган тиллар 7-8 мингта атрофида бўлган. Ҳозир 6 мингтага яқин бўлиб, 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида. Улар асосан кам сонли ва ўз ёзувига эга бўлмаган миллатлар тилларидир.

Лингвист олимлар фикрича, агар аҳвол шу зайлда давом этаверса, яна 25 йилдан сўнг бугун муомалада бўлган тилларнинг ҳар ўнтасидан биттагинаси сақланиб қолар экан. Менимча, агар биз турли иншоотларни бошқа тилларда номласак, ишчи-ходимларга русча ва инглизчани билишинг шарт, деган талабни қўяверсак, миллий тилимизнинг аҳамияти ҳақида фақатгина унга бағишланган байрам кунида оғиз кўпиртирсак, оилада бир нечта тилда гаплашсак, она забонимизни унутиб қўйишимиз эҳтимолдан холи эмас.

Тилимизга бепарволик ижтимоий тармоқларда, газета-журналлар ва давлат муассасаларида ҳам мавжуд. Уларда имловий ва услубий хатолар, баъзи сўзибораларнинг маъно-мазмунини нотўғри талқин қилиш ҳолатлари жуда кўп кузатилади. Ваҳоланки, аслида улар тилимиз бойлигини халққа намоён этишлари, янги сўз ва ибораларнинг ўзбекча муқобилларини яратишга ҳисса қўшишлари керак.

Ҳозир ўзбек тили АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Туркия каби қатор давлатларнинг олтмишга яқин университетлари ва 100 дан зиёд мактабларда ўргатилади. Шунингдек, у дунёда давлат мақомига эга бўлган 200 та тилдан биридир. Ана шундай вазиятда биз турли бино-иншоотларга ёки корхона-ташкилотларга инглизча ёки русча номлар қўйишимиз адолатдан эмас.

Мухлиса МУХТОРОВА,
Мухлиса ИСМОИЛОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг халқаро журналистика йўналиши талабалари



Табиат ва жамият

ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЧОН ДАРОМАД МАНБАИГА АЙЛАНТИРАМИЗ?

Статистик маълумотларга кўра, инсоният ҳаёт кечириши жараёнида ҳар йили тахминан 2,24 миллиард тонна қаттиқ маиший чиқинди ҳосил бўлади. Жумладан, тахминан 931 миллион тонна озиқ-овқат беҳуда исроф қилинади, салкам 14 миллион тонна миқдоридаги пластик маҳсулотлар қолдиқлари эса сув манбаларига тушади. Боз устига, саноат чиқиндилари борган сари кўпаймоқда.

Ана шу боис экологик мусаффолик ва барқарорликни асрабавайлаш бугунги кунда дунё миқёсидаги энг долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Бундай нохуш ҳолатларга барҳам бериш учун чиқиндиларни махсус ажратилган жойларга элтиб ташлаш билангина иш битмайди. Чунки улар орасида чиримайдиганлари ёки қийин чирийдиганлари, бу жараён рўй берган тақдирда ҳам ер учун зарарли моддага айланадиганлари кўп. Масалан, ойна 1000 йилдан ортиқ, алюминий қути 500 йил, пластик баклажка 450 йил, болалар тагликлари 250 йилдан 500 йилгача сақланиб қолади. Батарейкалардаги кимёвий моддалар 1 квадрат метр жойни 20 йил мобайнида заҳарлаб, унинг таркибидаги барча микроорганизмларни ўлдиради. Пластик чиқитлар эса ҳар йили 1 миллиондан зиёд денгиз жониворлари ва қушлар умрига зомин бўлади.

Чиқиндилар билан боғлиқ муаммолар Ўзбекистонда ҳам кўп учрайди. Зеро, бизнинг юртимизда йилига 7 миллион тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади. Уларнинг бор-йўғи 26 фоизи 300 дан ортиқ махсус корхоналарда қайта ишланади. Бу кам ёки кўплигини билиб олиш учун қуйидаги далилларни таққослаб кўришингиз мумкин: 2019 йили мамлакатимизда йилига 894 минг тонна қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлайдиган 183 та, Францияда эса йиллик қуввати 2,3 миллион тоннага тенг 300 дан ортиқ корхона фаолият юритган.

Дарвоқе, дунёдаги қатор давлатлар аллақачоноқ чиқиндиларни қайта ишлашдан мўмайгина даромад олиш йўлига ўтган. Ўзбекистонда эса ҳамон уларни кўмиш ёки ёқиш жуда қулай ва самарали усул сифатида қўлланиляпти. Устига-устак, давр талабларига жавоб берадиган том маънодаги чиқинди полигонларимиз йўқ ҳисоби. Бу борадаги ишларни изчил йўлга қўйишга халақит бераётган молиявий ва инфратузилмавий муаммолар ҳамон тўлиқ бартараф этилмаган.

Вазият ва аҳвол қандайлигидан қатъи назар, чиқинди полигонлари жойлашган ҳудудларда ер ости сувлари заҳарланмаслиги, чиқиндилар ёқилганда ҳосил бўладиган газлар атмосферага тарқалмаслиги чоралари кўрилиши, махсус изоляциялар бўлиши шарт. Бунинг учун эса мукаммал инфратузилмаларни барпо этишимиз, зарур қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилишимиз, энг муҳими, фуқароларимизнинг экологик саводхонлигини узлуксиз равишда ошириб боришимиз керак.

Меҳрож БАҲРИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг халқаро журналистика йўналиши талабаси

Санъат



Азамат ОТАЖОНОВ:

МАҚОМНИ КУЙЛАШ УЧУН ҲАМ, ТИНГЛАШ УЧУН ҲАМ БИЛИМ КЕРАК

Ҳукуматнинг 2019 йил 21 ноябрдаги тегишли қарори асосида 2020/2021 ўқув йилидан Тошкент шаҳрида, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларида мақом санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ташкил қилинди. Ўша йили таниқли хонанда, мақом билимдони, Хоразм сувораларининг моҳир ижрочиси Азамат Отажонов Хоразмдаги мақом мактаб-интернатига раҳбар этиб тайинланди. Хўш, ушбу мақом мактаби ўтган даврда қандай ютуқларга эришди? Қандай муаммоларга дуч келди? Умуман, ёш авлод қалбида мақомга меҳр уйғотиш учун яна нималар қилиш керак? Суҳбатимиз шулар хусусида бўлди.

– Азамат оға, сиз билан беш йил аввал суҳбатлашганимизда, орзуим Мақом академияси ташкил этиш деган эдингиз. Мактаб-интернатга раҳбар этиб тайинланишингиз орзуингиз ушалишига замин яратди, яъни сиз ёш истеъдодларни кашф қилиб, мақом санъати ривожига янада кўпроқ ҳисса қўшиш имконига эга бўлдингиз.

– Бу йил илк ўқувчиларимиз мактабни тамомлашади. Яъни, боғимиз ҳосилга кирди. Мева етилгач, албатта, баҳоси ва харидорини топиши керак. Ўқувчиларимиз келажакда олий таълимда таҳсил олиб, малакали мутахассис сифатида санъат равнақига ҳисса қўшишига ишонамиз. Ўтган тўрт йил давомида ўқитувчилар ва ўқувчилардан иборат ансамбллар фаолиятини йўлга қўйдик. Турли тадбирларда иштирок этяпмиз, концертлар беряпмиз. Телевидение ва радио орқали мақомларимиз ҳамда миллий мусиқамизни тарғиб қиляпмиз. Бундан ташқари, бир неча танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритдик.

Умуман, кейинги йилларда мақом санъатини ривожлантириш борасида кўп ишлар қилинди. Ўзбек мумтоз мусиқаси тарихида янги давр бошланди. Шаҳрисабз ва Зоминда ўтказилган халқаро мақом санъати анжуманлари кўплаб истеъдодларни кашф қилди, миллий мусиқаларимизнинг гўзаллиги, тароватини дунёга кўз-кўзлади. Халқимизнинг, ёшларнинг миллий санъатга муносабати ўзгараётганига гувоҳ бўляпмиз. Жойларда тез-тез мақом кечалари ўтказиляпти. Демак, энди мақомларнинг «Қизил китоб»га кириш хавфи ортда қолди.

– Аммо бу жараён осон кечмаяпти. Халқимиз мақомлардан анча узоқлашгани туфайли мумтоз наволарни тушуниб, севиб тинглаш, тарғиб қилиш тугул, номини эшитса, уф тортадиганлар ҳам йўқ эмас. Сизнингча, болаларда мақомга қизиқишни кучайтириш учун яна нималар қилиш керак?

– Аввало, шуни айтиш керакки, мақомни қадимда хонлар ва уларнинг атрофидаги инсонлар, зиёлилар тинглашган. Мақомни куйлаш ва тинглаш учун маълум билим ҳамда кўникма зарур.

Форобий ҳам мусиқани математиканинг бир бўлаги санаган. Дарҳақиқат, мусиқа, мақом улкан илмдир. Мақомга мухлислик болаликдан қулоққа сингдирилиши керак. Боғчаларда мақомлардан парчалар қўйиб берилса, бу «Сегоҳ», бу «Дугоҳ» деб ўргатилса, боланинг хотирасига муҳрланиб қолади. Улғайганида шу мусиқани танийди. Бундан ташқари, мактабларда мусиқа тўгараклари фаолиятини жонлантириш керак. Мусиқа мактабларига умумтаълим мактабидан бир ё икки ўқувчи келиши мумкин. Мусиқа мактабларининг филиалларини умумтаълим мактабларида ташкил этсак, 30-40 нафар ўқувчини жалб қилиш имкони пайдо бўлади.

Яқинда «Ватан» журналида «Хоразм суворалари санъатнинг бетакрор дурдонаси» сарлавҳали мақолани ўқидим. Муаллиф Хоразм сувораларини мутахассислардан ҳам аъло даражада таҳлил қилган. Диққатимни тортгани, журнал саҳифаларида Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов ва бошқа санъаткорлар ашулаларининг QR-кодлари берилган. Журнални ўқиш жараёнида ашула ҳам эшитиш мумкин. Бунинг завқи жуда бошқача бўлар экан. Мана шундай таҳлилий мақолалар ҳам халқнинг миллий санъатимизга бўлган меҳрини оширади.

– Мақом хос инсонлар учун деяпсиз. Демак, ҳамма мақом тинглаши шарт эмас. Бироқ мақомлардан узоқлашиш ўзликдан узоқлашиш эмасми? Бу миллат инқирозига сабаб бўлмайдими?

– Ёдингизда бўлса, аввалги суҳбатда Президентимиз мақомларимизни «Қизил китоб»га киришдан асраб қолди дегандим. Назаримда, биз сиз айтаётган инқироздан ўтдик. Лекин олдингидек буюк миллатга айланишимиз учун кўп меҳнат қилишимиз ва машаққат чекишимиз керак. Азалда мусиқа комил инсон бўлиш учун ўрганилиши шарт бўлган етти фаннинг бири саналган. Беруний, Ибн Сино каби буюк алломаларимиз мусиқий билимга эга бўлишган. Нобель мукофоти совриндорлари ҳаётини ўргансангиз, уларнинг 99 фоизи мусиқий билимга эгалигини биласиз. Мусиқа шунчаки кўнгил очар восита эмас. Айниқса, мумтоз наволаримиз.

Миллатнинг миллат бўлиб шаклланишида санъатнинг ўрни катта. Ҳали мен тилга олган «Ватан» журналида чоп этилган мақолада Конфуцийнинг «Дунёдаги ҳар қандай халқнинг айтаётган қўшиғини келтиринг, мен уни эшитиб, бу халқни қандай идора этиш мумкинлигини айтиб бераман» деган сўзлари бежиз иқтибос қилиб келтирилмаган. Миллий санъатидан узоқлашган миллатнинг ўзлиги бўлмайди. Яхши мусиқа, яхши суҳбат, яхши китоб инсон руҳини юксалтиради. Киши яхши қурувчи, физик, шифокор, ҳатто яхши деҳқон бўлиш учун ҳам миллий қўшиқ тинглаши керак. Шунда унда миллий руҳ шаклланади, эътиқод юксалади.

Бўлмағур хиргойилар (уларни ашула дегим келмайди) айтиляпти, эшитиляпти. Гапириб қўйган билан иш битмайди, ўзини зиёли санаган барча инсонлар мумтоз наволаримиз ва шеъриятимизни қулоқларга, қалбларга сингдириш учун ҳаракат қилиши керак. Нега биздан Нобель мукофоти соҳиблари чиқмаяпти?! Юқорида айтганимдай, мусиқий билим йўқ. Мусиқани англамагунча, инсон комиллик даражасига эришмайди. Мусиқий билими юқори инсоннинг IQси ҳам баланд бўлиши илмий исботланган.

– Мақомлар, сувораларни тушуниш қийин. Бунинг сабабларини нима билан изоҳлайсиз?

– Мусиқа мавҳум фан бўлгани учун ўрганиш қийин. Уни кўриб бўлмайди, тутиб бўлмайди. Битта мусиқачи тайёрлаш учун кетган кучга етти ҳамшира тайёрлаш мумкинлиги исботланган. Боиси, ҳар бир бола билан алоҳида шуғулланилади. Бизнинг мақом мактабимизда ҳам шундай. Аввало, иқтидорли болани топиш, унда нимага қизиқиш устунлигини аниқлаш керак. Бола билан ишлай оладиган, унинг иқтидорини рўёбга чиқара оладиган устоз зарур. Мусиқада ҳали ҳам илмий оқсаш бор. Илмий адабиётлар кам. Мақом мактаблари учун ҳам китоблар етишмайди. Ўзимиз ўқитувчиларимиз билан ҳар бир синф учун қўшиқлар рўйхатини шакллантириб, устозлардан ўрганганларимиз асосида ўқувчиларга ўргатяпмиз. Биргина «Дугоҳ» мақомида 9 та ашула бор. Туркумлар бор. Бу ўқитувчидан ҳам, ўқувчидан ҳам катта меҳнат талаб қилади.

Илгари мусиқа муолажа тури саналган. Демакки, нафақат математика, балки медицинанинг ҳам бир бўлаги ҳисобланган. Мусиқа илм даражасига етиши учун, ҳали айтганимдай, болаликдан унга меҳр уйғотиш керак. Мусиқани ҳамроҳ, дўст санаб ютқазган киши йўқ. Бу борада Озарбайжон тажрибасини ўрганиш керак. Озарбайжон халқининг мақомларга бўлган муносабатига доим ҳавас қиламан. Уларда оддий ҳайдовчи ҳам, тракторчи ҳам, деҳқон ҳам бирон мусиқий асбоб чалишни билади, мақомларни танийди, хиргойи қилади.

Биласизми, мусиқа билан шуғулланган одам бағрикенг бўлади. Устоз-шогирд анъаналари мусиқа соҳасида кенг тарқалган. Шогирд етти йил бир устоздан таълим олади. Бу даврда улар ота-боладек бўлиб қолади.

Ўзбекистон санъатга бой юрт. Қорақалпоқ оҳанглари, Бухоро – Самарқанд, Қашқадарё – Сурхондарё, Тошкент – Фарғона йўналишлари ҳар бири ўзига хос. Хоразм санъатида уларнинг барчаси мужассамланган, десак, хато бўлмайди. Лазгидай бутун дунё халқларини ўйнатадиган куй қаерда бор?!

Ниҳоятда бой номоддий меросларга эгамиз. Фақат меҳнат қилишимиз керак. Илм керак. Олий маълумотли мусиқачилар, мақомчилар кўпайса, авлодлар қалбига асл мусиқаларни сингдириш имкони кенгаяди. Киши миллий мусиқага қизиқса, кейинроқ умумиллий маданиятимизга ҳам қизиқади.

Насиб бўлса, ҳали мактабимизнинг ўз лабораториялари бўлади. Чуқур таҳлил қилинмаган, нотага солинмаган мақомларимиз нотага солинади. Ўқувчиларимиздан келажакда кўп нарса кутяпмиз.

– Самимий фикрларингиз учун раҳмат!

– Кайфиятингиз ҳамиша мақом эшитадиган даражада бўлсин!

«Ishonch» мухбири
Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
суҳбатлашди



Туйғу

КУЗ ХАЁЛИ

Дарахтларнинг сариқ-қизғиш япроқлари бир-бир тўкилиб, ер юзига ястанади. Енгил шамол уларни ўйнаб, қаерларгадир учириб кетади.

Кимсасиз кенг йўлакда кузакни кузатиб, ўйга чўмаман. Дов-дарахтлар қуёш тафти, сув ва ҳаводан баҳра олиб кўкка интилади. Зангори осмону оппоқ булутларга ошиқ бўлгандек...

Дарахтлар баҳорнинг илиқ кунларида оч яшил рангли барглар чиқариб, майин сабо эпкинида ноз-ланиб тебранади. Худдики, кимдир майин куй чалади. Куйга жўр бўлиб, янги чиққан майсалар уни олқишлайди.

Дарахт соат сайин, кун сайин ўсади, кўркамлашади. Барглари, шохлари, буталари қалинлашиб, сояси қуюқлашади. Ёшлар унинг панасида бир-бирига шивирлаб, севги изҳор қилишади. Ҳиссиётлар селдек оқади. Дарахт шохларини эгиб, уларнинг суҳбатларига гувоҳ бўлади. Улардаги бахтиёрлик туйғуси унга ҳам кўчиб, барглари ила қарсак чалиб, уларни олқишлайди.

Ёзнинг иссиқ, жазирама кунлари. Тўқ яшил рангга бурканган дарахтлар кишиларга соя-салқин бўлиб, уларни офтобдан пана қилади. Аста-секин ҳосилга киради. Мевалар қуёшнинг оловдек тафтида ял-ял ёнади.

Куз. Мевалар ғарқ пишган. Япроқларга яширинган қирмизи мевалар қуёшда ялтиллайди, гўё. Шохлари оғирлашиб, меваларга таъм-шира киради. Инсонлар дарахт неъматларидан тановул қилиб, шукрона келтиришади.

Қишнинг совуқ изғиринли кунлари. Дарахт эгнини қалин қилган. Пўстлари қалинлашган. Баргсиз шохларига қор кўниб, уни алқайди, гўё.

Дарахт қиш кунлари тинмай сўзлайди. Кўрган-кечирганлари, орзу ва армонларини ҳикоя қилади. Дилининг туб-тубигача чўккан хотираларигача сўзлайди. Сўзлайверади... Гўё бу билан енгил тортгандек, эски дарду оғриқлардан қутулгандек бўлади.

Баъзида буталари орасидан кўз ёшлари сизади...

Умида
ХУДОЙБЕРГАНОВА

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),

Mehriddin SHUKUROV
(Mas’ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK
(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Haydarov

Musahhihlar:
U. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:20
Topshirildi – 22:40

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 012 ta
Shundan:
7 130 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1111

1 2 3 4 5 6

Орамиздаги одамлар

АРАВА ОРТИДАГИ ОРЗУ



Нималарнидир орзу қилишнинг, эзгу мақсадлар сари интилиб яшашнинг муайян чегараси ва тартиб-қоидалари йўқ. Ҳамманинг ўз ниятлари, ўз дунёси бўлади. Масалан, аравакашни олайлик. Бир қарашда у ёз жазирамасида ҳам, қиш аёзида ҳам эрта-ю кеч юк ташиб, рўзғорини юритиш илинжида ҳар куни озми-кўпми пул топадиган оддийгина меҳнаткаш кишидек туюлиши, аслида эса орзулари улуғ инсон, беғубор қалб эгаси бўлиши мумкин.

Бухоролик 46 ёшли Илёс Ғаниев ҳам тирикчилик илинжида аравакашликни танлаган. Ҳозиргача яшаган умрининг тенг ярмини шу иш билан ўтказган. Албатта, бу осон кечмади. Кези келганда, киндик қони томган юртдан олисларда яшаб, оила аъзоларини, айниқса, фарзандларини соғинди, кези келганда, хасталикка йўлиқиб соғлиғини йўқотди, баъзан аро йўлда қолиб, йўқчиликдан қийналди. Лекин бу янглиғ азоб-уқубатлар унинг иродасини буколмади, дийдасини қаттиқлаштиролмади.

Илёс ака, аввало, меҳнаткашлиги ва ҳалоллиги, ниятлари поклиги билан одамлар назарига тушди. Иккинчидан, ҳеч қачон эзгу аҳдидан қайтмади, унга эришиш йўлида ўзи дуч келган қийинчиликлардан чўчимади. Табиийки, шу жараёнда соддалиги туфайли айрим фирибгар ва лўттибоз кимсаларнинг гапларига ишониб, чув тушган пайтлари ҳам бўлди.

– Менинг энг катта орзуларимдан бири икки ўғлим мактабни битиргандан сўнг уларни олий таълим муассасаларида ўқитиш, кейин уйли-жойли қилишдан иборат, – дейди Илёс ака биз билан суҳбатда. – Бунинг учун эса, биласиз, маблағ керак. Мен ана шундай ташвишлар билан юрган кезларим эски танишим Россиядаги ойлиги катта, шароитлари қулай қурилиш корхонасига бориб ишлашимни таклиф қилди. Кейинчалик билсам, аслида у мени 100 доллар эвазига сотиб юборган экан. Русчада яхши гапиролмаслигим, Москвада ҳеч кимни танимаслигим туфайли анча қийналдим. Ўзим сингари алданган ўзбеклар қатори қаттиқ совуқда очиқ қурилиш майдонларида тинимсиз ишладим. Бекорчи бўлиб қолган, маош ололмаган, уч-тўрт кунлаб иссиқ овқат емаган ва бошпанасиз яшаган пайтларим ҳам кўп бўлди. Бир сафар кўчадаги қалин қорларни кураш билан шуғулландим. Ўшанда оёғимни совуққа олдирган эканман, ўрнимдан туролмай, узоқ вақт тўшакка михланиб қолдим. Муҳими, ана шундай оғир дамларда ўз ҳамюртларимиз коримга ярадилар. Улар ўртада пул тўплаб, мени Бухорога кузатиб қўйдилар. Оилам бағрига қайтгач, бир неча ой даволандим. Бироқ, барибир, нафи тегмади, совуқ урган бармоқларимни кесиб ташлашга тўғри келди...

Илёс ака Тошкентга келганига тўрт йилдан ошди. Ҳар куни эрталаб соат 5 да туриб, улгуржи бозорда ҳаммоллик билан машғул бўлади. Кейин эса кечгача бозорда арава тортиб, одамларнинг оғирини енгил қилади. Топган пулининг маълум қисмини ижара ҳақини тўлаш ва овқатланиш учун олиб қолиб, қолганини турмуш ўртоғига жўнатади. Унинг бор умиди фарзандларидан. Келажакда иккиси ҳам ижтимоий фойдали касб эгалари бўлишини, эл-юрт равнақи йўлида хизмат қилишини чин дилдан истайди. Шунинг учун ҳам орттирган даромадини ўзи ёки алланечук ҳою ҳаваслар учун эмас, болалари пухта таълим олиши учун сарфлайди, ўзи кийинмаса ҳам уларни кийинтиради. Бунинг самараси ҳозирданоқ сезиляпти. Яқинда тўнғич ўғли математика фани бўйича ўтказилган олимпиаданинг республика босқичида муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринни эгаллади. Бундан руҳланган Илёс Ғаниев камтарона ҳаёт кечирувчи оила бошлиғи ва меҳрибон-ғамхўр ота сифатида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишда давом этмоқда.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»